


Ishonch

2020 йил 20 август • пайшанба • № 84 (4369)


Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Кун
МАТИ

Илм – нарсаларни
инсон ақли
ёрдами билан
ўрганишликдир.
Абу Али ибн Сино



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Афғонистон миллий байрами – Мустақиллик куни муносабати билан Президент Муҳаммад Ашраф Ғанига табрик йўллади.



«Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасида стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Хукумат қарори қабул қилинди.

Жиззах автомобил заводи «Volkswagen Caddy» транспорт машиналари базасидаги тез тиббий ёрдам автомобилларининг наватдаги партиясини Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга тақдим этди.

«National Herald Tribune», «Daily Islamabad Post» ва «Daily Business World», «Centreline» ахборот агентликлари веб-сайтлари, шунингдек, Покистон глобал ва стратегик тадқиқотлар таҳлил марказининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида «Ўзбекистон-Покистон ва Афғонистонда тинчлик» (Uzbekistan-Pakistan and Peace in Afghanistan) сарлавҳали мақола нашр этилди.



20 августдан маҳаллий йўналишларда йўловчи поездлар қатнови қайта тикланмоқда.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети жамоаси таъсис этган Муҳаммад Аминхўжа Муқимий кўрак нишонининг дастлабки нусхалари чиқарилди.

Тошкент туманида сандвич панелидан «Универсал спорт мажмуи» қуриб битказилди.



Мудофаа вазирлигининг Сурхондарё вилоятидаги Термиз полигониде «Аскар қўшиғи» ва «Энг яхши ёш китобхон» кўрик-танловларининг Жануби-ғарбий маҳсус ҳарбий округ бошқичи бўлиб ўтди.

Хитой Халқ Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси «Бир макон, бир йўл» ташаббуси бўйича «Ипак йўли» давлатлари журналистларига халқаро мукофот учун танлов эълон қилди.

ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди

Карантин талабларини тўлиқ сақлаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларининг фаолият юритиши бўйича асосий шарт ва шароитлар

Республика махсус комиссияси қарорига биноан

Август 20

РУХСАТ

Буюм ва қурилиш маҳсулотлари бозорлари

Буюм савдоси билан шуғулланувчи йирик дўконлар фаолияти

Спорт заллари, фитнес клуб, тренажер ва бассейнлар

Қўйидагилар талаб этилади

кириш-чиқиш жойларини пирометрлар, дезинфекцион «тўшаклар», антисептик воситалари билан жиҳозлаш;

фуқароларнинг тана ҳароратини ўлчаб, агар уларда коронавирус инфекцияси аломатлари намоён бўлса, киритмаслик;

фуқароларнинг тиббий ниқобда бўлишини ҳамда ижтимоий масофа сақлашини таъминлаш.

Устувор вазифалар таҳлили, истиқбол режалари муҳокамаси

Сарҳисоб



оширилган ишлар ҳақида атрофлича сўз юритилиб, келгусидаги фаолиятнинг устувор вазифалари белгиланган олинди.

Курултойда таъкидланганидек, ҳозирги кунда ишчи ва хизматчилари тармоқ касба уюшмаси хизмати билан қамраб олинган тўқимачилик, коммунал, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш корхоналари, бозорлар, савдо комплекслари, хунармандлар, оилавий, яқка тадбиркорлар ва тармоққа оид кичик бизнес субъектларида 249 334 нафар касба уюшмаси аъзосини ўз таркибига бирлаштирган 2642 та бошланғич касба уюшма ташкилоти фаолият юритмоқда.

Икки йил бурун касба уюшмаси тармоқ тизимида 2597 та ташкилот бўлган бўлса, шу йил бу кўрсаткич 2642 га етди. Бу, ўз навбатида, аъзолар сони ҳам ўсиб, уларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланди, деганидир.

Ўтган йилларда нодавлат секторга мансуб бозорлар, меҳмонхоналар, хунармандлар, оилавий корхоналар, кичик бизнес корхоналари, трансмиллий корхоналарни тармоқ касба уюшмасига жалб этиш ва уларда меҳнат қилаётган ишчи-хондиларнинг ижтимоий манфаатлари ҳимоясини таъминлашга катта эътибор берилди. Бу борада 1200 тадан зиёд бошланғич касба уюшма ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатилди.

» 2



Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги – миллий юксалиш босқичига дадил қадам қўймоқда. Амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самараси ўлароқ, мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракати кенг йўл очилди, инвестиция киритиш кафолатлари кучайтирилди. Жалб этилаётган инвестициялар, биринчи навбатда, иқтисодиётни модернизациялаш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва товарларни диверсификациялашга йўналтирилгани натижасида улар-

нинг технологик таркиби ҳам ўзгариб, самарадорлиги ортмоқда. Бундай ютуқларга эришишда касба уюшмаларининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг сўнгги беш йиллик давридаги фаолияти сарҳисоб қилинган IV курултойда бу жиҳатлар алоҳида таъкидланди. Онлайн тарзда ўтказилган анжуманда ўтган даврда амалга

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган

12-11 қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

ОАВ ходимлари ва блогерлар билан очиқ мулоқот:

КАСАБА УЮШМАЛАРИ: БАРЧА САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БОР

Хабарингиз бор, бундан бир неча кун илгари ижтимоий тармоқларда касба уюшмалари фаолияти билан боғлиқ баҳслар авж олди. Виртуал мулоқотларда турли фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Ҳатто айримлар касба уюшмаларини «ўлик ташкилот»га ҳам чиқариб қўйди...

» 3

Мозийга назар

БАЛБАЛ ТОШЛАР СИРИ

ёхуд туркийлар тарихининг қадим саҳифалари

Ўтган йили Москва шаҳрига борганимда Қизил майдондаги давлат тарих музейи ҳамда қуроллар палатасидаги асори-атиқалар қаторида балбал тошлар ва Мономахнинг қалпоғи мени ниҳоятда ҳайратга солди.

Балбал тошлар музейининг кўзга кўринарли жойларига қўйилган. Музейга келувчилар ҳам айнан шу экспонатлар атрофида кўпроқ тўхтади.

Хўш, бу балбал тошлар нима? Улар нимани англатади?

» 4

19 август куни мамлакатимизда коронавирус билан боғлиқ 594 ТА янги ҳолат қайд этилди, 721 НАФАР бемор тузалди, 5 НАФАР бемор вафот этди. Ҳозирда касаллик қайд этилган жами 37 112 НАФАР бемордан 32 944 НАФАРИ соғайиб чиқди. Шундай қилиб сўнгги 10 кун ичида юртимизда коронавирусдан соғайиш кўрсаткичи 72 ФОИЗдан 88 ФОИЗга етди.

<https://t.me/koronavirusinfouz>

Келгуси сонларда ўқинг...

КЛАСТЕР ХОДИМЛАРИНИ ҚАНДАЙ ҲИМОЯ ҚИЛМОҚДА?

УЛАР ҲАМОН РАҒБАТДАН МАҲРУМ...

Устувор вазифалар тахлили, истиқбол режалари муҳокамаси

11 Ижтимоий шерикликни ривожлантириш мақсадида Республика Кенгаши ва 10 та паритет органлар ўртасида 2015-2020 йилларга ўйналган тармоқ келишувлари асосида қатор ишлар амалга оширилди.

Тармоқ касба уюшмаси кўмагида «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури» ижроси бўйича тасарруфдаги ташкилотларда имзоланган жамоа шартномалари орқали ишчи-ходимларга, пенсия ёшидаги кишиларга нафақага чиқишдан олдин бир йўла моддий ёрдам бериш, юбилей саналари муносабати билан тақдирлаш, корхоналарнинг собиқ ходимлари, икки ёшдан уч ёшга бола парвариши учун таътилда бўлган ёш оналарга моддий ёрдам кўрсатиш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатларини қисман қоплаш, кам таъминланган ёш оилалар вакилларига моддий ёрдам кўрсатиш ва бошқа кўринишдаги кўмак бериш ишлари учун 6473 нафар ишчи-ходимга иш бевувилик ҳисобидан 1 миллиард 100 миллион сўм, касба уюшмалари ҳисобидан эса 146 миллион 375 минг сўмлик ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

Қабул қилинган тармоқ келишувларига асосан тармоқ тизимига кирувчи бошланғич касба уюшмаси ташкилотлари, кичик бизнес субъектлари ходимлар сонидан қатъи назар, юридик шахс мақомига эга бўлган корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари тузилиб, уларга давр талабидан келиб чиққан ҳолда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиб борилди.

Бандликни таъминлаш масалалари бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Иш ўрни қисқарилаётган ходимларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида касба уюшмалари кўмагида корхона ва ташкилотларда ходимлар бошқа касбларга қайта ўқитилиб, малакаларини оширишди.


Касаначилик меҳнатидан фойдаланаётган тармоқ корхона ва ташкилотлар сони йилдан-йилга кўпайиб борапти. Жумладан, 2015 йилда 429 та корхона ва ташкилотда 4550 нафар касаначи учун иш ўрни очилган бўлса, 2019 йилга келиб 512 та корхона ва ташкилотда 4916 та касаначилик иш ўрни ташкил этилди.

Барпо этилган янги иш ўринларида қонун ва меъёрлар талабига мос муносиб меҳнат шартнолари яратилишининг ҳаққонийлиги жойларга чиқиб ўрганилди.

Ҳисобот даврида меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича жамоатчилик назоратини талаб даражасида

ташкил қилиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Иш жойларида соғлом ва хавфсиз меҳнат шартнолари яратилишини таъминлаш ва назорат қилиб бориш бўйича касба уюшма органлари комиссиялари ва сайланган ваколатли вакиллар фаолиятини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳисобот даврида 360 та йирик корхона ва ташкилотнинг назорат-профилактика фаолиятлари ўрганилди ва амалий ёрдам кўрсатилди. Ишчи-ходимларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича ўқиб ва йўриқларни талабларга мувофиқ ташкил этиш, жамоат комиссиялари аъзолари ва вакилларнинг ўқувни ташкил этиш, фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий сўғуртасини ўтказиш ва бошқа масалалар доимий назоратга олинди.



Илром ХАСАНОВ олдига суратлар

Ўтган даврда 448 та меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонун, қоида ва меъёрлар бузилишлари аниқланди ва уларни бартараф этиш бўйича иш бевуви ва бошланғич касба уюшмаларига 395 та тақдимнома киритилди. Уларнинг 93 фоизидан ортиги касба уюшмаси аралашувидан кейин белгиланган муддатларда бартараф этилди.

Тармоқ корхона ва ташкилотларида ўтказилган иш ўринларининг шаходати бўйича берилган хулосаларда кўрсатилган зарар ва хавфли ишлар чиқариш омилларини бартараф этиш бўйича тавсиялар асосида чора-тадбирларни ишлаб чиқилиб, уларнинг жамоа шартномалари ва меҳнат муҳофазаси битимларига киритилишига эришилди. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси бўйича уч босқичли маъмурий-жамоат назоратининг йўлга қўйилиши, унда иштирок этувчи меҳнат муҳофазаси вакиллари ва жамоат комиссиялари аъзоларининг



«Касба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши касба уюшмалари ташкилотлари фаолиятидаги энг муҳим воқеалардан бири бўлди. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш, муносабатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилгани ҳолатларини бартараф этиш уюшмалардан зарур чораларни кўриш касба уюшма ташкилотлари фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўтган даврда тармоқ касба уюшмасига фуқаролардан турли йўналишларда келиб тушган 137 та муносабатнинг аксар қисми ижобий ҳал этилди. Урганилган ёзма аризаларда меҳнат-кашларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга оид иш бевувиликка 27 та тақдимнома ва фуқаролик ишлари бўйича судларга 7 та даъво аризаси киритилди, 8 нафар ходимнинг ҳуқуқи тикланди, уларга 33 миллион 833 минг сўм миқдорда моддий зарар ундириб берилди.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш, муқофотлар, қўшимча тўловлар ва устималарни ундириб бериш, ишга тиклаш, ногиронлик нафақаси, йўлнамалар олиш каби масалалар юзасидан «Ишонч телефони» орқали 1000 тадан ортқ муносабатларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Ҳисобот даврида тизимдаги меҳнат жамоаларида қатор мавзуларда «Мазнавий соатлари» ўтказилди. Ҳар ойда бошланғич ташкилотларда ўтказилган бундай тадбирларда 2 минг нафардан ортқ ишчи-ходим иштирок этган. Уларда мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, кўна қадриятлар, бой тарихимиз ва маданий меросимиз ҳамда соғлом турмуш тарзига оид мавзуларда му-

лоқотлар ўтказилган. «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди. 2017 йилда Тошкент шаҳридаги «Ёшлик» спорт мажмуасида тармоқ касба уюшмаси ташкилотлари ходимлари ўртасида мини-футбол бўйича республика очик турнири ўтказилди.

2018 йилда эса ҳудудларда «Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!» шiori остида республика оилавий спорт мусобақалари ташкил этилиб, уларда ҳудудлардаги корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган 8 минг нафар ходим ҳамда уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Шу билан бирга, корхона ва ташкилотлар билан имзоланган қўшма қарорлар асосида ёшлар ўртасида ўтказилган «Ёшлар-тур» веломарафони, «Шунқорлар», «Ёш чегарачилар», «Футболимиз келажиги», «Маҳаллаимиз пахлавонлари» каби спорт мусобақаларида касба уюшмаларининг ҳамкорлиги таъминланди.

«Касба уюшмалари – болаларга» акцияси доирасида «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини» муносабати билан истироҳат боғларида «Спорт – саломатлик гарови», «Спорт – менинг ҳамроҳим», «Соғ танда – соғлом ақл», «Болалар спартакиадаси», «Касба-тур болалар» каби туркум спорт-соғломлаштириш тадбирлари ташкил қилинди.

Акциялар доирасида ёз мавсуми давомида барча стационар ва қундузги болалар соғломлаштириш оромоҳларида дам олаётган болалар ўртасида «Соғлом бола – юрт келажиги», «Соғломжон – полвонжон» каби кўплаб спорт тадбирлари ўтказилди. Бундан ташқари, Олимпиада, Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионати ва халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган танниқли спортчилар билан учрашувлар ташкил қилинди.

Ҳисобот даврида халқаро ва турдош касба уюшма ташкилотлари билан алоқалар ҳам изчил ривожланди. Хусусан, юртимиз ва бир қатор хорижий давлатларда ўтказилган халқаро конференция, ўқув, семинар, тренингларда касба уюшма вакиллари қатнашди.

2019 йилда илк мартабада Саудо, умумий оқватланиш, матлубот кооперация ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари Халқаро касба уюшмалари Конфедерациясининг навбатдаги конференцияси Тошкент шаҳрида муносиб тарзда ташкил этилди.

2019 йил 19-26 ноябрь кунлари Франция Саудо ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари касба уюшмаси Миллий Федерациясининг тақлифига биноан Париж

шаҳрида «Саудо тармоғидаги сўнгги ўзгаришлар: иш ўринларининг қисқариши ва касбларнинг роботлашуви» мавзусидаги халқаро семинарда қатнашган тармоқ вакиллари «Йирик трансмиллий саудо компанияларининг молиявий манфаатларида амалга ошираётган ишлари тўғрисида»ги мавзу бўйича халқаро семинарда иштирок этишди. Мазкур тадбирда Франция, Португалия, Кипр, Италия, Сербия, Монако, Греция, Россия, Қозоғистон, Фаластин, Миср, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Тунис каби мамлакат касба уюшмалари билан тажриба алмашинди.

Халқаро ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиб бориши натижасида 2016-2019 йиллар мобайнида Саудо, умумий оқватланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касба уюшмаси Конфедерацияси, Озарбайжон саудо, умумий оқватланиш, кооперация, санатор-курорт муассасалари, туризм, спорт, меҳмонхона, балиқ ҳўжалиги соҳаси ходимлари касба уюшмаси – «Хизмат-Иш», Беларусь Республикаси саудо соҳаси ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши, Қирғизистон Республикаси саудо, умумий оқватланиш, кооперация ва тадбиркорликнинг турли шакллари касба уюшмаси Республика кенгаши, Тожикистон саудо, матлубот кооперацияси ва хусусий ташкилотлар тармоғи ходимлари касба уюшмаси Республика Кўмитаси, Қозоғистон кичик ва ўрта бизнес вакиллари касба уюшмаси – «Yntymaq» ўртасида халқаролик меморандумлари имзоланди.

Яқин фурсат ичида Молдова Республикаси истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, саудо ва тадбиркорлик масалалари касба уюшмаси Республика кенгаши, Бутунукраина саудо, умумий оқватланиш ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Латвия саудо соҳаси ходимлари касба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида ҳамкорлик меморандумлари имзоланиши кутилмоқда.

Тармоқ касба уюшмаси қурултоида делегатлар ҳам сўзга чиқиб, амалга оширилган ишларни алоҳида эътироф этиш билан бирга, йўл қўйилган камчиликларга ҳам тўхталдилар. Шу билан бирга, ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Қурултоида тармоқ касба уюшмаси номини «Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси» деб ўзгартириш киритиш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилиниб, маъқулланди. Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси эмблемаси ҳам тасдиқланди.

Кун тартибига киритилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Тармоқ ходимлари касба уюшмаси Республика Кенгаши раислигига Улуғбек Муҳамедов қайта сайланди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «ISHONCH»



Салим АБДУРАҲМОНОВ, «ISHONCH»

Хоразм вилояти Танлов

Янги иш фаолиятини бошлаган ёшлар касба уюшмалари ҳақида тўлиқ тасаввурга эгами? Жамоа шартномасида белгиланган имтиёзлардан фойдалана олаётими? Умуман, ёшлар касба уюшмаларидан розими? Улар ушбу жамоат ташкилотини қай даражада сўянчиқ деб билади?

Ёшлар фаолиятдан розими?

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши тасарруфдаги таълим муассасаларида фаолият юритаётган ёшлар етакчилиги ўртасида ташкил қилган «Ёшлар ҳаётида касба уюшмаларининг ўрни» мавзусидаги онлайн танлов шу ва бошқа саволларга жавоб топишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Барча ёшлар етакчилиги ушбу танловда иштирок этиш истagini билдиридилар.

Танлов шартларига кўра, қатнашчилар меҳнат жамоаси, бошланғич касба уюшма кўмитаси, иш бевувиликнинг касба уюшма ташкилоти фаолиятига яратган шартнолари, жамоа шартномаларида ёшлар учун қўшимча имтиёзлар ва қаролатлардан ҳамкасблари қандай фойдаланаётгани ҳақида «Менинг ҳаётимда касба уюшмаларининг роли» мавзусида видеоэссэ тақдим қилди.

Мен меҳнат шартномасига имзо чекаётган чоғимдаёқ касба уюшмасининг нақадар нуфузли ташкилот эканини ҳис қилганман, – дейди Урганч шаҳридаги 29-умумтаълим мактаби ёшлар етакчиси Юлдуз Ортиқова. – Бошланғич касба уюшма кўмитаси аралашуви билан синовларсиз ишга қабул қилинганман. Мактабимизда ишлаётган 93 нафар ходимнинг 23 нафари

ёшлар бўлиб, жамоа шартномасидаги имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиб келаямиз. Ходимларнинг ишлаши ва дам олиши учун муносиб шартно яратилган. 3 ёшга фарзанди бор ёш оналар имтиёздан фойдаланмоқда. Касба уюшмалари ташкил қилган спорт мусобақаларида фаол иштирок этамиз. «Энг фаол ёш иш бевуви» танловида мактабимиз директори ғолиб чиққани барча ёшларга рағбат бўлган эди. Касба уюшма ташкилоти карантин шартноларида ҳам ходимларнинг манфаатларини янада кучайроқ ҳимоя қилганидан мамнунмиз.

Юлдуз Ортиқова тақдим қилган видеоэссэ биринчи ўринга лойиқ деб топилган бўлса, иккинчи ўринни 12-умумтаълим мактаби ёшлар етакчиси Дилдора Рўзметова, учинчи ўринни 23-умумтаълим мактаби ёшлар етакчиси Жуманазар Комилов эгаллади.

Ғолиблар ва иштирокчилар шаҳар кенгашининг қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.



Мухаббат ТУРАБОВЕВА, «ISHONCH»

Қашқадарё вилояти



1966 йилда Қарши педагогика институтини (ҳозирги Қарши давлат университети) илк бор талабалар касба уюшма кўмитаси тузилади ва унга шу институтнинг битирувчиси Салом Уроқов раисликка сайланади. Ёш мутахассис бунгача факультет касба уюшма ташкилотидан ҳам биров тажриба олишган эди.

У касбақўм етакчиси сифатида қатор янгиликларга қўл урди. Жумладан, ўша йиллари «Чит қуйлакнинг чиройи» деб номланган кўрик-танловга асос солиди. Унинг ташаббуси билан институтдаги қарийб 500 нафардан ортқ талаба қизга чит қуйлак тиктирилди. Бу эса танловнинг тилларда дoston бўлишига сабаб бўлди.

Талабалар касба уюшмаси ташаббуси билан кўплаб маънавий-маърифий учрашувлар тшкил этилди. Жумладан, «Олим бўлсанг олам сеники» шiori остида институт олимлари билан ректор бошчилигида институтдан 100-150 километр узоқликда бўлган Муборак, Миришкор, Деҳқонобод, Шаҳрисабз туманларида аҳоли ва ёшлар билан учрашувлар ўтказилди. Тарғибот-ташвиқот тадбирлари, дилбар ва самимий учрашувлар беасамар кетмади. Воҳанинг чекка қишлоқларида яшовчи кўплаб йигит-қизлар институтга ҳужжат топшириши ҳамда талабалик бахтига муяссар бўлишди.

– 1967 йилда Қирғизистоннинг Бишкек

Фахрийлар ҳақида ҳикоялар

Ярим аср етакчилар сафида

Шундай инсонлар борки, уларнинг ҳаёт йўлига назар ташлаб, ҳавас қиласиз, ибрат оласиз. Қарши давлат университетининг фахрий профессори Салом Уроқов ҳам ана шундай бахтли замондошимиз. 78 ёшни қарши олган устоз касбақўм етакчиси сифатида ҳам кўп йиллар самарали меҳнат қилган.

шаҳрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ касба уюшмаси халқаро анжуманида иштирок этганман, – дея хотирлайди домла. – Бу ҳаётимдаги илк халқаро тадбир бўлиб, таассуротлари ҳалигача ёдимда. Ушанда инсонга наф келтириш, ўзгалар дарди билан яшаш киши ҳаётини гўзаллаштиришини қалбдан ҳис этганман. Турли давлатлардан келган вакиллар билан турфа ташаббус ва ғоялар ҳақида фикр алмашган эдик. 1974-1980 йилларда институт ўқитувчи ва ходимлар касба уюшмаси кўмитаси раиси бўлиб ишладим. 1976 йилда Болтиқбўйида бўлиб ўтган касба уюшмалари симпозиумида иштирок этиб, ўз тажрибаларимни хорижлик ҳамкасбларга таништирдим.

Ташкилотчи ва жонкуяр касба уюшма етакчиси ўз вақтида «Касба уюшма фаоли» кўкрак нишонин билан тақдирланган. У 1966 йилдан то шу кунга қадар минглаб илму толибларга устозлик қилиб келмоқда. 2006 йил Университет илмий кенгашининг қарори билан домлага фахрий профессор унвони берилган.

– Домланинг ёнида бугун кўплаб шоғирдлари ёнма-ён ишлашяптики, бунга ҳавас қилиш керак, – дейди университет доценти Жўра Бердиев. – Устознинг илм-фанга қўшган ҳиссаси жуда катта. Олим илмий фаолияти натижасида кўп сўт ва гўшт берадиган зотдор қорамолларни парвариш-лаш ва кўпайтириш бўйича амалий тавсиялар

ишлаб чиқиб, уларни чорвачилик соҳасига татбиқ этишга эришди.

Устоз олим 50 йилдан ортқ илмий-педагогик меҳнат фаолияти давомида ўндан ортқ илмий монография, дарслик, рисола, услубий қўланмалар яратиш баробарида 150 тадан ортқ илмий-оммабоп мақолалар чоп эттирган.

Салом Уроқовни таниган-билган кишилар унинг оиласини зиёлилар оиласи деб аташади. Турмуш ўртоғи Гулнора Раҳимова 40 йил Қарши шаҳридаги 29-мактаба инглиз тилидан ёшларга сабоқ берган бўлса, тўнгич қизи Нигора тарих фанлари, ўртанчиси Нарғиза фалсафа фанлари, Зилола филология фанлари номзоди. Ўғли Лазиз тадбиркор, кичиги Азиз эса «Ўзстандарт» агентлигининг Қашқадарё бўлимида масъул вазифада ишлайди.

Устоз олимнинг илмга йўғрилган ҳаёти инсонлар манфаати йўлидаги эзгу ташвишлари билан уйғун кечгани кўпчилик учун ибрат бўлса, ажаб эмас. Чунки фахрий мураббий ва касба уюшма фаоли умрини эзгуликка сафарбар этиб келаетир.



Акmal АБДИЕВ, «ISHONCH»




КАСАБА УЮШМАЛАРИ: БАРЧА САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БОР

Шундан сўнгра ҳар бир муносабат ва саволга юзма-юз жавоб бериш, тизимда амалга оширилган ишлар билан кенг оммани хабардор этиш мақсадида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси барча журналист ва блогерларни очиқ мулоқотга чорлади.

Кунги кеча Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Малака ошириш институтида ана шу тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси, тармоқ касабаси уюшмалари Республика кенгаши мутасаддилари, масъул ходимлари, шунингдек, видеоконференцалоқа шаклида вилоятлар касабаси уюшмаси ташкилотлари раислари иштирокида дарҳол жавоб бериш кераклигини таъкидлаб, шундай савол берди:

– **Юнусободдаги метро қурилишидаги бахтсиз ҳодиса, бундан биров аввал Мажбурий ижро бюроси билан боғлиқ ҳолатлар, ўтган йили Риштонда мажбурий меҳнат бўйича кўтарилган мазву бўйича касабаси уюшмалари муносабат билдирдимми?**



МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА ДАХЛДОР ҲАР БИР ҲОЛАТ – ЭЪТИБОРДА

Касабаси уюшмалари фаолияти бўйича ўтказилган очиқ мулоқот давомида яна бир қанча долзарб саволлар ўртага ташланди. Хусусан, блогер Баҳодир Аҳмедов касабаси уюшмалари фаолиятини жамоатчиликка тарғиб қилиш борасида камчиликлар борлиги, қилинаётган ишлардан хабардор қилиш, билдириётган муносабатларга дарҳол жавоб бериш кераклигини таъкидлаб, шундай савол берди:

– **Юнусободдаги метро қурилишидаги бахтсиз ҳодиса, бундан биров аввал Мажбурий ижро бюроси билан боғлиқ ҳолатлар, ўтган йили Риштонда мажбурий меҳнат бўйича кўтарилган мазву бўйича касабаси уюшмалари муносабат билдирдимми?**

туман ва шаҳар кенгашлари фаолият билан ўз муносабатини билдиришган. Карантин муносабати билан кўплаб тушунмовчиликлар юзга келгани ҳақиқат. Аксарият муаммолар жойида бартараф этилган. Аслида бундай хабарларнинг ижтимоий тармоқларда кенг тарқалиши ҳаммага бирдек фойдали. Лекин бу касабаси уюшмалари ишламаётганини аниқлашди.

COVID-19НИ ЮҚТИРГАН ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ СОНИ НЕЧТА?

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳод Ҳанапиев коронавирусга чалинган тиббиёт ходимлари ҳақида маълумот берди.

– 1 август ҳолатига кўра, тизимда 1249 нафар тиббиёт ходими Covid-19 касалига чалинган. Шулардан 125 нафари ихтисослашган марказларда ишлаган. Бундан ташқари, амбулатория, касал ёнида ёки реанимация бўлимида, СЭС тизимида, умуман, иш билан боғлиқ ҳолатда 898 нафар тиббиёт ходими вирус юқтирган. 226 нафар соғлиқни сақлаш соҳаси ходими ишдан ташқари ҳолатларда касалликка чалинган маълум бўлган. Афсуски, пандемия сабабли тиббиёт ходимлари орасида йўқотишлар ҳам бўлди. Коронавирусга чалинган ходимларнинг 33 нафари вафот этди. Шундан 3 нафари ихтисослашган тиббий марказларда меҳнат қилган. Бу ҳақда Соғлиқни сақлаш вазирлигига маълумот берилган.

«ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИГА НИСБАТАН ТАЖОВУЗЛАРГА ЖИМ ҚАРАБ ТУРМАГАНМИЗ»

Маълум қилинишича, охириги икки-уч йилда 302 нафар тиббиёт ходимига турли кўринишдаги тан-жароҳатлари етказилган. Бу ҳолатларни касабаси уюшмалари эътибордан четда қолдирмаган. Касабаси уюшмалари ташкилотлари мазкур ҳолатни назоратда олган ва ҳар бири бўйича тегишли чора-тадбирларни кўрган.

– Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида юз берган ҳолатни шахсан ўрганганман, – деди Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳод Ҳанапиев. – Унга ҳам бундай ҳолатлар учраб турган, лекин оммавий ахборот воситаларида кенг еритилмаган. Ҳозир вазият ўзгарди, эндиликда бундай зўравонликка қарши дарҳол чора кўрилади. Бу бўйича қонун лойиҳаси тайёрлаб, ваколатли органларга тақдим этилган. Тез орада бу борада ижобий ўзгаришлар рўй бериши кутилмоқда.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси «Меҳнатни муҳофаза қилиш» бўлими бошлиғи Нодира Каримованинг билдиришича, шу даврга қадар мамлакатимизда рўй берган бахтсиз ҳодисаларнинг биронтаси эътибордан четда қолмаган. Ҳар бирининг келиб чиқиш сабаблари мутахассислар томонидан ўрганилиб, тегишли идораларга маълумот ва тақлифлар тақдим этилган.

– **Умуман касабаси уюшмаларининг молиявий имкониятлари қандай шаклланади ва улар қандай тақсимланади?**

Бу саволга Федерация мутахассислари куйидагича жавоб қайтарди:

– Касабаси уюшмасининг асосий даромади касабаси уюшмаларининг азозлик бадаллари ҳисобидан келади. Йиғилган маблағлар санаторийларнинг моддий-техник базасини янгилаш, янги санаторийлар қуришга сарфланади. Касабаси уюшмалари тизимида айни пайтда 24 та санаторий ишлаб турибди. Шундан олти таси охириги тўрт йилда қуриб фойдаланишга топширилган.

– **Қайси йирик корхона ва ташкилотларда ходимлар манфаати қай тарзда ҳимоя қилинади? Меҳнат муҳофазаси, ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқа йўналишларга оид қандай тақлифлар илгари сурилди? Охириги марта давлат ташкилот фаолиятини такомиллаштириш бўйича тақлифлар берилдими? Улар қачон ва қайси давлат дастурига киритилди ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ўз аксини топди?**

Федерация мутахассисларининг жавоби куйидагича:

– Ўтган йили «Касабаси уюшмалари тўғрисида»ги янги қонуннинг қабул қилиниши катта тарихий воқеа бўлди. Ушбу ҳужжат билан меҳнат инспекциялари фаолияти қайта йўлга қўйилди. Авваллари бизга аъзо бўлмаган ташкилот ёки корхоналарнинг фаолиятига аралашшига, у ерда ишлаётган ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаққимиз йўқ эди. Янги қонунга биноан эндиликда ташкилот аъзо бўлмаган корхона ва ташкилотлардаги ходимларнинг ҳам ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятига эга. Мазкур ҳужжат касабаси уюшмалари фаолиятини янги боққичга олиб чиқишга хизмат қилиши шубҳасиз.

– **Педагог ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилмоқда. Касабаси уюшмалари бунга жим қараб турибди. Ҳўш, бунга қандай изоҳлайсиз?**

– Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси тизимида 18 минг 231 та ташкилот мавжуд, – деди Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедилов. – Аъзолар сони қарийб бир ярим минг нафарга яқин. Республика бўйича 202 та туман ва шаҳар кенгашлари фаолият юритмоқда. Бевоқиф саволга тўхтайдиган бўлсам, бу масалага барча

шартномасига киритилган бандлар ҳисобига 9 кун қўшимча таътилга чиқаётганини кўрсатади. Бу биргина банднинг ходимга берилган фойдаси. Касабаси уюшмаларининг ходимлар учун бошқа кўплаб имтиёз ва ҳуқуқлари ҳақида узоқ гапириш мумкин.

КАРАНТИН ВАҚТИДА ИШДАН БЎШАТИШ МУМКИНИ?

Очиқ мулоқот давомида шундай савол ўртага ташланди. Федерация мутахассислари унга ҳам батафсил жавоб беришди:

– «Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармонининг 16-бандида коронавирус инфекцияси билан зарарланган ёки карантинга жойлаштирилган, шунингдек, 14 ёшга бўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини тўловчи шахслар, васийлар, ҳомиёлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш таққиланиши белгиланган. Шу ўринда савол туғилиши мумкин: Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва глобал хавф-хатарлар даврининг календарь мuddати борми? Карантин вақтида 13 ёшли фарзанди бор ходим ишдан бўшатишса, судга муносабат қилиш учун календарь кунни қандай аниқланади?

МУЛОҚОТ ДАВОМИДА ЖУРНАЛИСТЛАР ВА БЛОГЕРЛАРНИНГ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ДОИР БОШҚА САВОЛЛАРИГА ҲАМ ЖАВОБ БЕРИЛДИ.

Ушбу очиқ мулоқотни ishonch.uz сайти ва «Ishonch» газетасининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида батафсил кўриш мумкин.

Ғулумжон МИРАХМЕДОВ,
Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ,
«ISHONCH»


Ғулумжон МИРАХМЕДОВ,
Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ,
«ISHONCH»

«КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ПУЛИ
«ҚОРА КАССА» ЭМАС»

Очиқ мулоқотда касабаси уюшмаларининг маблағи қандай ишлатилиши ва аъзоларга қандай қайтарилиши хусусидаги саволга куйидагича жавоб берилди:

– Касабаси уюшмасининг маблағи, йиғиб-йиғиб кимгадир бериладиган «қора касса» эмас. Касабаси уюшмаларининг асосий вазифаси ижтимоий шериклар билан ходимлар учун қонунларда белгиланган имтиёзлардан ҳам зиёдроқ фойда берувчи жамоа шартномалари тузиб, шу орқали касабаси уюшма аъзосига даромадини қайтаришдан иборат.

Меҳнат кодексига мувофиқ ходимга 15 кундан кам бўлмаган меҳнат таътили берилиши шарт. Лекин соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари амалда 24 кун таътил олади. Бу тиббиёт ходимларининг тармоқ келишуви ва жамоа



Эл бошига иш тушганда...


Бухоро вилоятидаги «Парвоз Ҳумо Равнақ Транс» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги пахта-тўқимачилик кластери маҳаллий соғлиқни сақлаш муассасалари учун хориждан 100 дона кислородли концентратор олиб келди. Ушбу тиббий ускуналар Ғиждувон, Олот, Жондор туманлари тиббиёт бирлашмаларига 25 тадан, Вобкент, Шофиркон туманлари ва Когон шаҳри тиббиёт бирлашмаларига 5 тадан, қолган 10 таси вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига тўхта қилинди.

КЛАСТЕРЛАР ТУҲФАСИ

Таъкидлаш керакки, пандемия даврида ҳар бир беморни даволашда кислородга эҳтиёж кескин орди. Бунда эса кислородли концентраторлар кўп келади. Коронавирус ва бошқа хасталиклардан даволашда жуда зарур бўлган бундай замонавий тиббий жиҳозлар Хитойда ишлаб чиқарилган бўлиб, уларнинг ҳар донаси корхонага 450 АҚШ долларидан тушди.

– Албатта, гап бундай ускуналарнинг нархида ёки ўзимизнинг шахсий манфаатдорлигимизда эмас, – деди «Парвоз Ҳумо Равнақ Транс» МЧЖ таъсисчиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Нурмухаммад Очилов. – Бутун эл бошига улкан ташвиш тушган. Кўплаб юртдошларимиз касалликдан азият чекиши ва чекиляпти. Афсуски, офат кўпгина ватандошларимизни ҳаётдан олиб кетди. Биз олиб келган кислородли концентраторлар наф келтирса, бундан буён кўрбонлар бўлмаслигига, беморларнинг бутунлай соғайишига фойда берса, кўзлаган мақсадимизга етамиз. Истагимиз – инфекцияга чалинган юртдошларимиз тезроқ тузалишсин. Оилалари бағрига эсон-омон қайтишсин.

Ўз навбатида, бундай хайрли ташаббусга вилоятдаги «Мергентекс» пахта-тўқимачилик кластери вакиллари ҳам қўл уришди. Иброҳим Ҳамроев раҳбарлигидаги ушбу корхона Чин мамлакатига ишлаб чиқарилган 100 та концентраторни шифо масканларига тақдим этди. Хусусан, уларнинг 50 таси Республика шохлини ердан илмий марказининг Бухоро филиалига, 25 таси Бухоро тумани яна шунчаси Қорақўл тумани тиббиёт бирлашмасига берилди.



Рустам ИБРОҲИМОВ,
«ISHONCH»

Жиззах вилояти



Истеъмолчи ҳуқуқи ҳимоядами?

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва унинг ҳудудий органлари аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Бундан кўзланган асосий мақсад фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларда мажбуриятларини англаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Барпо этилаётган кутубхоналарда истеъмолчиларнинг ўз ҳуқуқларини тўлиқ англаши учун зарур бўлган барча ўқув-услубий, амалий қўлланмалар мавжуд. Булар истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимояси кучайишига хизмат қилади.

«Жамоатчилик назорати» ишчи гуруҳлари ташкил этган. Унга бирлашманинг тажрибали мутахассислари жалб қилинган. Бозор ва савдо шохобчларидаги нарх-навога оид кунлик маълумотлар умумлаштирилган ҳолда махсус комиссияга тақдим этилиб, тегишли чоралар кўриб борилмоқда.

«Жамоатчилик назорати» ишчи гуруҳлари ташкил этган. Унга бирлашманинг тажрибали мутахассислари жалб қилинган. Бозор ва савдо шохобчларидаги нарх-навога оид кунлик маълумотлар умумлаштирилган ҳолда махсус комиссияга тақдим этилиб, тегишли чоралар кўриб борилмоқда.

асоссиз равишда ошиб кетишининг олдини олишда ваколатли давлат органларига қўмақлашиш учун жойларда «Жамоатчилик назорати» ишчи гуруҳлари ташкил этган. Унга бирлашманинг тажрибали мутахассислари жалб қилинган.

Қайд этиш жоизки, Ис...

Ғулноза НУРТОЕВА,
Ўзбекистон истеъмолчилар
ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш жамиятлари
федерацияси
Жиззах вилояти ҳудудий
бирлашмаси раиси

Тақдимот

«ТЕНГИЗ»

ёшларга сабоқ бўлувчи фильм



англаб етган қаҳрамон шундан сўнг ҳаёт учун кураша бошлайди. Бунда унга яқин дугонаси Феруза Саидова талқин этган Римма елкадош бўлади.

Қорақалпоқ қизининг жисмоний имконияти чекланган бўлса-да, бир қўли билан тикиб, тишлари билан матони тортиб туриб, ўзининг оғир вазиятига ечим топади. Атрофдагиларнинг эътиборига туша бошлайди. Онанинг руҳан остида қолиб, ҳомиласи, бир қўли ва бир оёғидан ажралди.

Шундан сўнг руҳий изтироблар исканжасида қолган Тенгиз ўзини ҳеч кимга керакмасдек ҳис эта бошлайди. Шу боис, у келинлик уйдан кетишга қарор қилади. Зеро, бир қўли ва бир оёғи йўқ, қўлтиқа-ёққа осилиб қолган вужуд унинг устига шифокорларнинг «б о ш қ а ф а р з а н д кўролмайсиз» деган ҳукми унинг ҳаётини ўқиб қўлади.

Фильмда Мўйноқда юзага келган ана шундай оғир вазият инсонлар ва тақдирлар мисолида ақс эттирилиб, бош қаҳрамон ҳаётдаги ўзгаришлар, янгиликлар орқали вазият яши томонга ўзгараётгани очиб берилган. Қаҳрамон орта чекинмай, ҳаёт учун курашда қолди бўлади.

Ҳозир Мўйноқда ҳаёт бутунлай ўзгача. Тенгиздек бир пайтлар оғир вазиятта, аҳволга тушиб қолган Мўйноққа ҳам электр, газ келди. Санъат саройлари, санаторийлар, янги замонавий ва шинам уйлар қурилмоқда.

Ғафур Шермуҳаммад ва Шуҳрат Ризаев сценарийси асосида постановкачи режиссёр Мансур Абдухолиқов суратга олган фильмда Ситора Фармонова, Кўпжурсин Алланазаров, Роза Пиязова, Феруза Саидова, Бактрия Сўғдиёна ва бошқалар турли ролларни ижро этишган.

Тақдимотда «Қорақалпоқ-фильм» ДУК директори Бахтиёр Мадияров сўзга чиқиб, ушбу фильм ўзбек ва қорақалпоқ халқи ўрта-сиддаги самимий дўстликни янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшаганини эътироф этди. «Ўзбекино» Миллий агентлиги бош директори Фирдавс Абдухолиқов ушбу фильм дўстлик ва тажриба алмашув йўлидаги муҳим қадам экани, бундай ҳамкорлик келгусида яна давом этишини таъкидлади.

Зебо НАМОЗОВА, «ISHONCH»

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-3002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари таҳрир хайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Сухроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Темура МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Doverie» бўлиб), Меҳридин ШУКУРОВ, (Маъсуля қотиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Маъсуля қотиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69

Хўқуқ ва халқроқ ҳаёт – (71) 256-52-89

Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79

Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43

Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz

сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

- Худудлардаги муҳбирлар:
- Қорақалпоқiston Республикаси – (+998-99) 889-90-22
 - Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
 - Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
 - Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
 - Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
 - Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
 - Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
 - Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
 - Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
 - Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
 - Фарона вилояти – (+998-99) 889-90-24
 - Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
 - Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтан назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир: Х. Норбоев

Саҳифаловчи: Х. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 20:45

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бюджетга Г – 817. 27871 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5

Баҳоиси келишилган нарҳда

Манзилими: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқиди. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shang» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмахонасида chop этилди.

Корхона назиди: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят хизматлари: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130



Онлайн тарғибот лойиҳаси ОНА ВАТАН ТАРАННУМИ

Халқимиз айни кунларда ўз олдига инсонийлик, бағрикенглик, саховат ва олижаноблик каби эзгу ва улғу мақсадларни қўйиб, ҳуррият байрамнинг 29 йиллигини муносиб кутиб олиш арафасида. Пандемия ҳаммани янгича яшашга, мавжуд вазиятга мослашган ҳолда фаолият юритишга ўргатмоқда.

Юрtdошларимизга айни мураккаб вазиятда руҳан далда бўлиш, уларнинг ҳаётга, эртанги кунга бўлган ишончини ошириш мақсадида Маънавият ва маърифат маркази, «Маърифат» тарғиботчилар жамияти, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида «Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистони!» шiori остида янги онлайн тарғибот лойиҳаси ўз ишини бошлади.

Лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда карантин талаблари асосида таниқли олимлар, ёзувчилар, шоирлар, маданият ва санъат намояндalарини иштирокида онлайн тарзда маданий-маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Илк тадбир Маънавият ва маърифат марказида Хоразм ва Тошкент вилоятлари фаоллари, жамоатчилик вакиллари билан ўтказилди. Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар юрtdошларимизнинг турмушини яхшилаш, дунёқарашини юксалтириш, янги Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўсини оширишга хизмат қилаётгани, пандемия шароитида ҳам бу ўзгаришлар изчил давом эттириладигани таъкидлаб, ватандошларимизнинг ана шундай синови пайтда ҳамжиҳат бўлиб юртимиз ривожини, халқимиз фаровонлигини йўлида ҳаракат қилаётганини эътироф этди.

Абду РАҲМОНОВ

Ҳаёт ҳақиқатига асосланиб ишланган кинолар табиийлиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради. «Ўзбекино» Миллий агентлиги ва «Қорақалпоқфильм» ДУК буюртмасига биноан Мўйноқ шаҳрида истиқомат қилувчи Манзурга Ерниеъованинг жасоратига бағишланган «Тенгиз» фильми ҳам ана шундай киноасарлардан бири бўлган.

Энг муҳими, фильм бугунги ҳаёт қаҳрамонининг, унинг дard-у ташвишлари, азоблари-ю ютуқларини Мўйноқда кечаётган ҳаёт ўзгаришлари билан ҳамоҳанг тарзда кўрсатиб бера олган.

«Ўзбекино» Миллий агентлигида ижодкорлар, журналистлар, блогерлар ва кино илхосмандлари учун асарининг илк тақдироти бўлиб ўтди.

Картинада бугунги кун қаҳрамони – юртимиз аели сабри ва матонатининг ўзига хос қиёфаси акс этган. Бош қаҳрамон – Мўйноқда туғилиб ўсган қиз Тенгиз (Ситора Фармонова) руҳиятининг ўзига хослиги кишига асов ва буюк Орол тимсолини эслатади.

У тақдир тақозоси билан Қорақалпоғистондаги олис бир қишлоққа келин бўлади. Баланд бўйли, гўзал киз аввалига аелик, келинлик тақдирдан рози эди, аммо эрининг хиёнатига сабабли фалокатга йўлиқди. Фожиа туфайли поезд гилдираклари остида қолиб, ҳомиласи, бир қўли ва бир оёғидан ажралди.

Шундан сўнг руҳий изтироблар исканжасида қолган Тенгиз ўзини ҳеч кимга керакмасдек ҳис эта бошлайди. Шу боис, у келинлик уйдан кетишга қарор қилади. Зеро, бир қўли ва бир оёғи йўқ, қўлтиқа-ёққа осилиб қолган вужуд унинг устига шифокорларнинг «б о ш қ а ф а р з а н д кўролмайсиз» деган ҳукми унинг ҳаётини ўқиб қўлади.

Фильмда Мўйноқда юзага келган ана шундай оғир вазият инсонлар ва тақдирлар мисолида ақс эттирилиб, бош қаҳрамон ҳаётдаги ўзгаришлар, янгиликлар орқали вазият яши томонга ўзгараётгани очиб берилган. Қаҳрамон орта чекинмай, ҳаёт учун курашда қолди бўлади.

Ҳозир Мўйноқда ҳаёт бутунлай ўзгача. Тенгиздек бир пайтлар оғир вазиятта, аҳволга тушиб қолган Мўйноққа ҳам электр, газ келди. Санъат саройлари, санаторийлар, янги замонавий ва шинам уйлар қурилмоқда.



БАЛБАЛ ТОШЛАР СИРИ

ёхуд туркийлар тарихининг қадим саҳифалари

Илмий манбаларда ёзилишича, одам қиёфасидаги «балбал» деб номланувчи бу тошлар қадим турк ҳоқонликлари давридан мерос. Бу каби тарихий тош ҳайкаллар туркийзабон халқлар яшаган маконларда – Россия, Украина, Озарбайжон, Қозоғистон, Мўғулистоннинг кўплаб жойларида учрайди. Қадимий тош ҳайкал Корейда ҳам топилган. Уни «харибан» деб номлашади. «Бан, ман» сўзлари корей тилида «одам» маъносини англатади. Корейликларнинг ҳам асли келиб чиқishi олтойга тақалади. Олтой эса қадимий туркий дунё бешигидир.

Балбал маълум бир худудда машҳур бўлган одамнинг хурматига бунёд этилган. Улар асосан элини, ерини душманлардан ҳимоя қилган ботирлар хурматига ўрнатилган.

Балбал – қадимий туркий сўз бўлиб, «бал-бал», яъни «зарба бермоқ», «қоқмоқ», «урмоқ» каби маъноларни англатади. Туркийшунос олимлар фикрича, балбал – «тошни тик қилиб ўрнатган белгилар» деган маънога эга. Балбалнинг этномаданий маъноси қадимий туркий даврда, яъни VI-IX асрларда алоҳида мазмун касб этган. У пайтларда қадимий туркий урф-одат ва аънаналарга кўра, балбалларнинг аксарияти ҳоқон, тегин, торхон, чор, тудун, бий, бек каби элбошчилар, ботирлар, оқсуяк одам-

ларнинг хурматига махсус ясалган. Улар орқали мотам тутилган, марҳумнинг руҳи хурматига «йўқлаш» каби удумлар бажарилган. Марҳумнинг руҳини шод қилиш маросимида қатнашганлар ўзлари яшаётган макондан балбал тошларни олиб келган ва аънанага мувофиқ, марҳумнинг дафн этилган жойида оралиқ масофасини бирдек қилиб, қаторлаштириб ўрнатган. Ушбу эсдалик мажмуасини яратишга иштирок этганлар ўзларининг қавми, уруғ-тоифаси тамғаларини ёки қадимги туркий битик ёзуви билан исмларини, лавозим, унвонларини ёзган. Бу қадимги туркий қавмларнинг ўзига хос йўқлаш маросимидан дарак беради.

Марказий Осиёда ислом динининг кенг тарқалиши билан тошлардан эсдалик ясаш ўз маъносини йўқота бошлади. Москва тарих музейидаги Донецк вилояти худудидан топилган балбаллар XII-XIII асрларга тегишли.

Одам қиёфасидаги тош ҳайкалларнинг энг қадимий намуналарини Устюртдан ҳам топилган. Мутахассислар уларни милoddан аввалги IV-III асрларга тегишли эканини аниқлашган.

1983 йилда Устюрт ғарбида тадқиқот ишларини бажарган собиқ СССР Геология вазирлигининг биринчи космоаэрогеологик экспедициясининг иштирокчилари Қозоғистон худудида кўплаб ҳайкалларни топган. Ушбу топилмалар экспедиция аъзоларини ҳайратга солади. Чунки кичик майдонда 70 тага яқин шундай тош ҳайкал бор эди. СССР Фанлар академияси Археология институтининг Волга-Урал археологик экспедицияси раҳбари Л.Галкин ушбу ҳайкалларни милoddан аввалги IV-III асрларга, яъни массагетлар даврига оид эканини исботлаган. Бу балбал тошларнинг энг қадимий намуналариди.

Экспедиция аъзолари дастлаб ибодатхона топди, деб ўйлашган. Лекин бу фикрлар «Байте-III» деб номланувчи қалъада иккита қурбонлик келтирувчи тошдан ишланган стол топиладиган кейингина тасдиқланди.

У ҳақда Л.Галкин шундай маълумот берган: «Улар бири-бирдан 15 метр масофада жойлашган эди. Деярли тўғри бурчакли катта столнинг узунлиги 1 метрдан узунроқ, тўрт конус шакли-



даги туюқдаги кичик стол эса бир метрдан кичикроқ эди. Шу жойдан яна тошдан ишланган товоқ ҳам топилди (унинг диаметри 80 см). Одатда бундай нарсалар фақат ибодатхонада бўлади. Тошдан ишланган столларда ҳайвонлар қурбонлик қилинган».

Мазкур худуддан топилган бошқа ашёларда қилич, камон ва пичоқларнинг тасвирлари мавжуд. Устюртда топилган тошдан ишланган ҳайкалларда чап қўли йиғи-

либ, ичига босилиб турган, ўнг қўли эса пастга туширилиб, сонига босилиб турган эркак кишининг сиймоси гавдалантирилган. Ҳайкаллар кўриниши монголоидларга ўхшайди. Аслида уларда массагет ботирлари тасвирланган.

Олимларнинг фикрича, бир-бирига ўхшаш тош ҳайкаллар кенг омма томонидан хурматга эга вафот этган қавмдоши хотирасига қурилган. Қадимий кўчманчи қавмлар ота-боболарининг руҳига сийинган. Уларга вафотдан кейин ҳайкал ўрнатилса, руҳи шунга жойлашади, деб ишонилган. Бундай эътиқод массагетларга юнон-македонияликлар билан кураш даврида руҳий мадад берган. Шунинг учун Тангрига тенглаштирилган бу ҳайкал тошлар қошида уларга бағишлаб қурбонлик қилинган. Тош столлардан ҳам шу мақсадда фойдаланилган.

Милoddан аввалги IV-III асрларда ҳукмронлик қилган Аҳамонийлар давлати Яқин Шарқ ва ўрта Осиёнинг кўплаб давлатлари (Парфия, Марғиёна, Бактрия, Сўғдиёна ва бошқалар) ни ишғол этган. Лекин Устюрт текислигида массагетлар уларга қақшатқич зарба берган. Тарихдан маълумки, Аҳамонийлар давлатининг асосчиси Кир массагетларнинг ерларига бостириб кирганида ўлдирилган. Бутун ду-



нени босиб олмоқчи бўлган Искандар Зулқарнайн ҳам массагет қавмининг қаттиқ қаршилигига дуч келган.

Илмий доираларда «массагет ва сармат қавмларининг бир қисми юнон-македонияликларга бўйсунмай шимолга қараб кетган» деган тахмин бор. Улар Устюрт текислигини душман яқинлаша олмайдиган ҳарбий плацдармига айлантирилган бўлиши мумкин.

Тарих сир-синоатларга тўла. Буни тош ҳайкаллар ҳам исботлаб турибди. Улар ботир аждодларимизни эсла-тиб турувчи қадим ва шонли ўтмишимиздан ёдгорлик. Шу боис, уларни асраб-авайлаш, мазмун-моҳиятини ўрганиш ҳамisha муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолаверади.

Есимхон ҚАНОАТОВ, «ISHONCH»